



СУДГА ҚАДАР ЖИНОЯТ ИШИ ЮРИТУВИДА МОЛ-МУЛКНИ ХАТЛАШ ЖАРАЁНИДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН АЙРИМ МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛИ

Назарова Лайло Гелдимуродовна

Жамоат хавфсизлиги университети

мустақил изланувчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7778295>

ARTICLE INFO

Received: 19th March 2023

Accepted: 27th March 2023

Online: 28th March 2023

KEY WORDS

Хатлаш, терговчи, суриштирувчи, айбланувчи, зарар, мол-мулк, баённома, далиллар, миқдор.

ABSTRACT

Мақолада мулкни хатлаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг субъект таркиби тўғрисидаги масала кўриб чиқилган ва гумонланувчи, айбланувчи ёки уларнинг ҳаракатлари учун қонуний жавобгар шахсларнинг, шунингдек гумонланувчи, айбланувчи ёки уларнинг ҳаракатлари учун қонуний жавобгар бўлмаган бошқа шахсларнинг мол-мулкни хатлаш бўйича процессуал фаолиятни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар юзасидан муаллиф фикрлари баён этилган. Шунингдек, жиноят-процессуал қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Жиноят-процессуал қонунчилигимизда суриштирувчи, терговчи томонидан хатланиши керак бўлган мол-мулкнинг қиймати аниқ белгиланмаган. Масалан, Украина ЖПКсининг 170-моддасида хатланиши керак бўлган мулкнинг қиймати фуқаровий даъвода кўрсатилган қийматга мувофиқ бўлиши шартлиги белгиланган, яъни шахснинг етказилган зарарга тенг қийматдаги мулклари хатланади, холос. Худди шу қоида Эстония, Грузия Жиноят-процессуал кодексларида ҳам белгиланган. Ўз навбатида, миллий жиноят-процессуал қонунчилигимизда хатланиши керак бўлган мулкнинг қиймати кўрсатилмагани учун суриштирувчи, терговчилар бира тўла шахсга тегишли барча мол-мулкни хатлайди. Бундай тартиб билан келишиб бўлмайди. Чунки, гумон қилинувчи, айбланувчиларга тегишли барча мулкларга нисбатан банд солиниши уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини фақат оғирлаштиради. Шу масалани тўғри ҳал этиш юзасидан турли фикрлар мавжуд. Масалан, В.Б.Искандиров ўз тадқиқот ишида тергов давомида айбланувчига тегишли барча мулклар хатланиши кераклиги тўғрисидаги хулосага келган¹. Бундан ташқари, Ф.Н.Багаутдинов ҳам

¹ Искандиров В.Б. Наложение ареста на имущества а уголовном процессе. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Челябинск: 2012, -С 131. <https://www.dissercat.com/content/nalozhenie-aresta-na-imushchestvo-v-ugolovnom-protsesse>



шундай мазмундаги фикрни билдирган. Улар ўз фикрларини қуйидаги важлар билан асослашган:

- хатланган мулклар орасида шахснинг оила аъзолари ёки бошқа яқинларига тегишли улушлар бўлиши мумкин, буни терговнинг дастлабки босқичларида аниқлаш имкони бўлмайди. Натижада мулкнинг шахсга тегишли қисмининг қиймати қисқариб кетади ва бу моддий зарарни қоплашга етарли бўлмай қолиши мумкин;
- хатлаш жараёнида суриштиручи, терговчи нарса-буюмларни хатлашда хатоликларга йўқ қўйиши мумкин: нархи баланд ёки паст баҳоланади, буюмнинг эскирганлик даражаси тўғри аниқланмайди (одатда, бу хатолик хатлаш жараёнида мутахассис иштирок этмаган ҳолларда учрайди). Шунини таъкидлаш керакки, кичик қийматдаги предметларни хатлаш жараёнида суриштирувчи, терговчилар мутахассисни иштирокига зарурат кўрмайдилар ва шунинг учун шахсан ўзлари ташқи кўринишидан келиб чиқиб баҳолашади;
- хатлаш пайти суриштирувчи, терговчига етказилган зарарнинг аниқ миқдори маълум бўлмаслиги мумкин. Тергов давомида миқдор ўзгариш эҳтимоли мавжуд, кўпроқ ошиши мумкин;
- ҳукмнинг ижросини таъминлаш вақтига келиб, хатланган баъзи нарса-буюмлар ўзининг сифатини юқотиши мумкин. Бу эса уларнинг моддий қиймати хатланган пайтдагидан сезиларли даражада тушишига олиб келади.

Шу билан бирга, қимматли қоғозларни хатлаш тартиби жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясида етарли даражада тадқиқ этилмаган. Банк ва бошқа кредит ташкилотларининг ҳисоб рақамида бўлган пул маблағларини хатлаш уни амалга ошираётган мансабдор шахсдан ҳуқуқнинг турли соҳалари бўйича алоҳида билимларни ҳам талаб қилади. Мол-мулкни хатлаш бўйича процессуал ҳужжатнинг ижросини таъминлаш бир қатор хатти-ҳаракатларни бажаришни талаб этиб, улар куч ва воситалар сарф-ҳаражати билан боғлиқ. Бундан ҳолларда соҳа бўйича чуқурлашган билимга эга бўлган шахс – мутахассисларнинг иштирокига зарурат пайдо бўлади.

Шунинг учун қимматли қоғозлар ва уларнинг сертификатларини хатлаш жараёнида мутахассис иштирокининг шартлигини белгилаш, мақсадга мувофиқ. Миллий процессуал қонунчилигимизда мутахассис ёки баҳоловчи ташкилотнинг фақат зарур ҳоллардагина иштирокини таъминлаш кераклиги назарда тутилган. Аммо, тергов амалиёти шунини кўрсатадики, хатлашда мутахассиснинг иштирок этиши ушбу фаолият самарадорлиги ошишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Мутахассиснинг иштирок этиши хатлашга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва натижаларни қабул қилиб олиб, уларни расмийлаштиришда техника ва илм-фаннинг ютуқларидан фойдаланишда самара беради. М.В.Соколовага кўра², хатлаш жараёнида суриштирувчи, терговчилар мутахассисларнинг иштирокини таъминлаши шарт. Унга

² Соколова, М. В. Особенности использования специальных знаний при наложении ареста на имущество / М. В. Соколова // Криминалистика и судебно-экспертная деятельность в условиях современности : Материалы IV Международной научно-практической конференции, Краснодар, 29 апреля 2016 года / Краснодарский университет МВД России. – Краснодар: Федеральное государственное казенное образовательное учреждение высшего профессионального образования "Краснодарский университет Министерства внутренних дел Российской Федерации", 2016. – С. 403-406. – EDN XRELWH. https://elibrary.ru/download/elibrary_28111856_44156167.pdf



қўра, криминалист, баҳоловчи ёки товаршунос, дастурчи, ЙҲХБ, кадастр ходимлари ва бошқа мутахассислар мол-мулкни хатлашда мураккаб масалаларни хал этишда суриштирувчи, терговчиларга муҳим амалий қўмак бериб келмоқда. А.А.Петрикина хатлашда нарса-буюмларни қидириб топиш, уларни процессуал тартибда мустаҳкамлаш ва олиб қўйишда, техник воситалардан фойдаланишда терговчи, суриштирувчиларга албатта махсус билимга эга бўлган шахсларнинг ёрдами керак бўлишини билдириб, мутахассислар иштирокни мажбурий, деб белгилаш кераклигини айтиб ўтган³.

Шу билан бирга жиноят-процессуал қонунчилигимизда хатлаш мумкин бўлмаган гумон қилинувчи, айбланувчининг мол-мулклари рўйхати⁴ ҳам мавжуд бўлиб, судланувчи ва фуқаровий жавобгар оиласининг нормал яшаши учун керакли уй-жой, квартира, уй анжомлари ва жиҳозлари, кийим ва буюмлар хатланиши мумкин эмас. Бунда шу нарсани инобатга олиш керакки, хатлаш мумкин бўлмаган ягона уй-жой сотиб олинишида жиноят натижасида қўлга киритилган маблағнинг хиссаси бўлиши ҳам мумкин. Айнан шу масала қонунчилигимизда очиқ қолган.

Баъзи олимлар⁵ агар жиноий даромадлар эвазига олинган мол-мулк ва ундан кўрилган фойда қонуний йўл билан топилган мол-мулкнинг таркибига киритилган бўлса, мазкур мулкдаги ноқонуний улуш баҳоланиб, унинг ноқонуний деб топилган қисми мусодара қилиниши керак. Шу билан бирга, ушбу олимларга қўра бу ҳолатда учинчи шахслар тасарруфига ўтиб кетган мол-мулкни мусодара қилишда мазкур инсофли эгалловчилар ўзлари сотиб олаётган мулкнинг жиноий йўл билан топилганлигини билган ёки билган бўлиши шарт эканлигини аниқланиши керак.

Жиноят ишлари юритувида фуқаровий даъво киритилишидан олдин ёки даъво қўзғатилгандан кейин мол-мулкни хатлаш вақти масаласи ҳам процессуалист олимлар ўртасида доимий муҳокама мавзуларидан бири саналади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКсининг 290-моддасида ашёвий далилларнинг ўзлаштириши, харж қилиб юборилиши, яширилиши, йўқ қилиб ташлашниши ёки шикастлантирилишидан сақлаш учун ҳам мол-мулк ҳам хатланади. Мазкур норма мазмунидан англашиладики, дастлаб моддий қимматликларга эга нарса-буюм ёки мулк ашёвий далил, деб топилиши ва кейин хатланиши керак.

Бундан ташқари, фуқаровий даъвогарнинг тергов органларига берган аризаси гумон қилинувчи, айбланувчи, фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкни хатлаш учун асос

³ Петрикина, А. А. Формы использования специальных знаний при наложении ареста на имущество в уголовном процессе РФ / А. А. Петрикина // Уголовно-правовые, уголовно-процессуальные и криминалистические вопросы борьбы с преступностью : Сборник научных трудов по материалам 4-й Всероссийской научно-практической конференции (симпозиума), Краснодар, 26 октября 2018 года. – Краснодар: Кубанский государственный аграрный университет имени И. Т. Трубилина, 2019. – С. 90-94. – EDN OECNLX. https://elibrary.ru/download/elibrary_43032393_17486855.pdf

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 апрелдаги 110-сонли қарори билан тасдиқланган «Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар [рўйхати](https://lex.uz/acts/111460)». <https://lex.uz/acts/111460>

⁵ Юткина С. М., Ростовщикова О. В. О наложении ареста на имущество как мере уголовно-процессуального принуждения: история, теория, практика // Вестник Волгоградской академии МВД России. – 2012. – №. 4 (23). – С. 144-156. <https://cyberleninka.ru/article/n/o-nalozhenii-aresta-na-imuschestvo-kak-mere-ugolovno-protsessualnogo-prinuzhdeniya-istoriya-teoriya-praktika>



бўлиши керакми ёки хатлаш учун фуқаровий даъвогарнинг аризаси бўлиши шарт эмасми, каби саволлар юзасидан процессулист олимлар ўзлариинг таҳлиллари натижасида турли хулосаларга келишган. Жумладан, К.Б.Самандаровга кўра, жиноят ишида мол-мулк рўйхатининг йўқлиги мулкый зарарни қоплаш тўғрисидаги масалани кўрмасдан қолдиришга асос бўла олмайди⁶, сабаби бундай мол-мулк ҳукм ижроси жараёнида ҳам аниқланиши мумкин. М.В.Соколова, О.Л.Подустоваларга кўра, тергов органлари томонидан судга тақдим тилган илтимосномага илова қилинган ҳужжатлар орасида фуқаровий даъвонинг мавжуд бўлмаслиги суд томонидан илтимосномани рад қилиш учун асос бўлмаслиги керак⁷.

Мазкур олимлар бундай хулосасини фуқаровий даъво жиноят иши қўзғатилган вақтдан бошлаб то у бўйича биринчи инстанция судида ўтказиладиган суд тергови тамомлангунга қадар берилиши мумкинлиги билан изоҳлашади. Амалдаги қонунчилигимизда эса хатлаш муддатини белгилаш масаласи назарда тутилмаган. Бизнингча, мол-мулкни хатлаш учун фуқаровий даъвогар томонидан даъво берилишининг кутилиши жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келади. *Фуқаровий даъвони таъминлаш учун мол-мулкни хатлаш учун даъвогар томонидан даъво қўзғатилган бўлиши шарт эмас.*

Бу қоида суриштирувчи, терговчилар учун мажбурий бўлиши керак. Чунки ўз вақтида ёки зудлик билан хатлаш чораларининг кўрилмаслиги фуқаровий жавобгарлар томонидан ўз мулкларини яшириш имкониятини кенгайтиради. Мол-мулкни хатлашдан ҳам асосий кўзланган мақсад фуқаровий жавобгарга тегишли мулкнинг сотиб юборилиши, ҳада қилиниши каби ўзидан бегоналаштирилишининг олдини олишга қаратилган. *Шунинг учун ҳам суриштирувчи, терговчилар жиноят натижасида етказилган моддий зиённи қоплаш учун мустақил равишда фуқаровий даъво қўзғата олишлари ва бу Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддаси 1-қисмида ўз аксини топиши керак.*

Бундан ташқари, хатлаш муддати тартибга солиниши керак бўлган яна бир масала – бу амалда гумон қилинувчи, айбланувчига тегишли, лекин учинчи шахслар мулк ҳуқуқида бўлган мол-мулк. Жиноят-процессуал қонунчилигимизда мазкур тоифа шахсларга процессуал мақом берилмаган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ишлаб чиқилмаган. Натижада зарурат бўлмаганда ҳам ушбу шахсларнинг мол-мулки узоқ муддатга хатланмоқда. Бу эса бозор иқтисодиёти шароитида юридик шахслар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда жисмоний шахслар учун етарлича муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Суд ўз ажримиди шахснинг ўз мулкига нисбатан айнан қайси ҳуқуқи йўқолишини кўрсатиши керак: эгалик қилиш, фойдаланиш ёки тасарруф этиш. Шу билан бирга, ушбу мол-мулкнинг хатловда бўлиш муддатини ҳам кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Айниқса, бир неча йиллар давом этадиган кўп эпизотли ёки тўхтатиб

⁶ Самандаров К. Б. Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласининг мазмун ва моҳияти. <http://scientists.uz/uploads/journal/202206C.pdf#page=21>

⁷ Соколова М.В., Подустова О.Л. Установление судом сроков наложения ареста на имущество обвиняемого как обстоятельство, препятствующее возмещению потерпевшим вреда, причиненного преступлением // Вестник экономической безопасности. 2020. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ustanovlenie-sudom-srokov-nalozheniya-aresta-na-imuschestvo-obvinyaemogo-kak-obstoyatelstvo-prepyatstvuyushee-vozmescheniyu>



қўйилган жиноят ишларида муддат масаласи жуда муҳим. Лекин, барча жиноят ишларига бир хил муддатнинг белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас. Бу масалада олдиндан белгилаб қўйиладиган эмас, оқилона муддат ўрнатилиши керак. Чунки, жиноят иши ҳолатлари, ишнинг ҳуқуқий ва фактик мураккаблиги, процесс иштирокчиларининг ҳулқ-атвори, суриштирувчи, терговчи, прокурор ҳамда судларнинг шу масаладаги фаолияти самарадорлиги, жабрланувчилар сони, етказилган зарар миқдори каби омиллар аниқ муддат белгиланишига тўғридан тўғри таъсир кўрсатади.

References:

1. Искандиров В.Б. Наложение ареста на имущества а уголовном процессе. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Челябинск: 2012, -С 131. <https://www.dissercat.com/content/nalozhenie-aresta-na-imushchestvo-v-ugolovnom-protseesse>
Соколова, М. В. Особенности использования специальных знаний при наложении ареста на имущество / М. В. Соколова // Криминалистика и судебно-экспертная деятельность в условиях современности : Материалы IV Международной научно-практической конференции, Краснодар, 29 апреля 2016 года / Краснодарский университет МВД России. – Краснодар: Федеральное государственное казенное образовательное учреждение высшего профессионального образования "Краснодарский университет Министерства внутренних дел Российской Федерации", 2016. – С. 403-406. – EDN XRELWH. https://elibrary.ru/download/elibrary_28111856_44156167.pdf
2. Петрикина, А. А. Формы использования специальных знаний при наложении ареста на имущество в уголовном процессе РФ / А. А. Петрикина // Уголовно-правовые, уголовно-процессуальные и криминалистические вопросы борьбы с преступностью : Сборник научных трудов по материалам 4-й Всероссийской научно-практической конференции (симпозиума), Краснодар, 26 октября 2018 года. – Краснодар: Кубанский государственный аграрный университет имени И. Т. Трубилина, 2019. – С. 90-94. – EDN OECNLX. https://elibrary.ru/download/elibrary_43032393_17486855.pdf
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 апрелдаги 110-сонли қарори билан тасдиқланган «Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар рўйхати». <https://lex.uz/acts/111460>
4. Юткина С. М., Ростовщикова О. В. О наложении ареста на имущество как мере уголовно-процессуального принуждения: история, теория, практика //Вестник Волгоградской академии МВД России. – 2012. – №. 4 (23). – С. 144-156. <https://cyberleninka.ru/article/n/o-nalozhenii-aresta-na-imuschestvo-kak-mere-ugolovno-protseessualnogo-prinuzhdeniya-istoriya-teoriya-praktika>
5. Самандаров К. Б. Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласининг мазмун ва моҳияти. <http://scientists.uz/uploads/journal/202206C.pdf#page=21>



6. Соколова М.В., Подустова О.Л. Установление судом сроков наложения ареста на имущество обвиняемого как обстоятельство, препятствующее возмещению потерпевшим вреда, причиненного преступлением // Вестник экономической безопасности. 2020. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ustanovlenie-sudom-srokov-nalozheniya-aresta-na-imuschestvo-obvinyaemogo-kak-obstoyatelstvo-prepyatstvuyushee-vozmescheniyu>